

Келишилган
КУ Раиси
Ф.У.Хусанов
2020 йил «27» 10 13-сонли Буйруқ
2020 йил «27» 10

Тасдиқлайман
«Ўзаэронавигация» Маркази
Директори
А.Х.Ашуров
2020 йил «27» 10

«Ўзаэронавигация» Маркази ходимларини одоб-ахлоқ қоидалари

I. Умумий қоидалар

1.1. «Ўзаэронавигация» Маркази ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 02 март 62-сонли «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, «Ўзаэронавигация» Маркази ходимларининг касбий одоб-ахлоқи ва асосий қоидаларининг умумий тамойиллар тўплами ҳисобланади.

1.2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликларни олдини олишга, уларни содир этишга хизмат қиладиган сабаб ва шароитларни бартараф этишга, «Ўзаэронавигация» Маркази ходимларини юкори ҳуқуқий онг руҳида тарбиялашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этишга қаратилган.

1.3. «Ўзаэронавигация» Марказига (кейинги ўринларда – ЎАНМ) ишлашга қабул қилинган шахслар, одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйган ҳолда танишадилар.

1.4. ЎАНМ ходимлари қонун ҳужжатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари шарт. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ЎАНМ ходимларининг касбий фаолияти сифатини ва хизматдаги ҳулқ-атворини баҳолашнинг мезонларидан биридир.

II. ЎАНМ ходимларининг хизмат ахлоқий ҳулқ-атворининг асосий тамойиллари ва қоидалари.

2.1. ЎАНМ ишчилари ўз касбий фаолиятларини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширишлари керак:

2.1.1. Қонунийлик;

2.1.2. фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

2.1.3. ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

2.1.4. давлат, жамият ва ЎАНМ манфаатларига содиқлик;

2.1.5. адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

2.1.6. манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

2.2. ЎАНМ ходимларнинг мажбуриятлари:

2.2.1. ўз вазифаларини бажаришда давлат тамойиллари ва талабларига, шунингдек, ЎАНМнинг ички норматив ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;

2.2.2. ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

2.2.3. юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

2.2.4. ўз фаолиятини конун ҳужжатларида ва ЎАНМ ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

2.2.5. ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва конуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

2.2.6. ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

2.2.7. конун ҳужжатларида, уставда ва ЎАНМ ички норматив ҳужжатларида белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

2.2.8. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат халқларининг урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣ барқарорликка, миллатлараро ва динлараро тотувликка қўмаклашиш;

2.2.9. ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки ЎАНМ нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

2.2.10. хизмат мавқеидан ЎАНМ, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

2.2.11. ЎАНМ хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

2.3. Сиёсий, иқтисодӣ жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ЎАНМ ходимлари, конун ҳужжатлари талабларини, ЎАНМ ички меъёрий ҳужжатларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

2.4. Агар конун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ЎАНМ ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмонӣ ёки юридик шахслардан бошқача наф қўриш тақиқланади.

2.5. ЎАНМ ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол қўмаклашиши шарт.

2.6. ЎАНМ ходимлари ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ЎАНМ ходимлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.7. Таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун

ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъкиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

2.8. ЎАНМ ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

2.9. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, ЎАНМ ёки унинг таркибий бўлинмаларида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

2.10. Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

2.11. Раҳбарнинг мажбуриятлари:

2.11.1. манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

2.11.2. коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини кўриши

2.11.3. ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хулқ-атвори тамойиллари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

2.12. ЎАНМ ходимлари ўзларининг хулқ-атвори билан жамоада бошқа ЎАНМ ходимлари ва тегишли хизмат ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

2.13. ЎАНМ ишчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. ЎАНМ ишчилари ҳамкасблари ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

2.14. Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ЎАНМ ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг ЎАНМ нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

2.15. Хизмат телефонида фойдаланишда, телефон суҳбати қисқа, хотиржам, ишбилармон ва мулойим бўлиши кераклигини ёдда тутиш керак. Оилавий, қундалик муаммоларни аниқлаштириш учун хизмат телефонида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

2.16. Ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни амалга оширишда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёки ходимларнинг шахсий мобил телефонларидан фойдаланиш меҳнат фаолиятини амалга оширишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолларда, раҳбар шахсий мобил телефонлардан фойдаланишга тақикни вақтинча жорий этиш ҳуқуқига эга.

2.17. ЎАНМ ишчилари иш вақтидан ташқари умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

III. Манфаатлар тўқнашуви.

3.1. ЎАНМ ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

3.2. Манфаатлар тўқнашуви ЎАНМ ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳолисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

3.3. ЎАНМ ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

3.4. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ЎАНМ ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

3.5. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

3.6. ЎАНМ ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

3.7. ЎАНМ ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам, ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

3.8. ЎАНМ ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

3.9. ЎАНМ ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

4.1. ЎАНМ ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

4.2. ЎАНМ ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

4.3. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари меъёрларининг бузилишлари Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

4.4. Одоб-ахлоқ комиссияси, ЎАНМ ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари ЎАНМ раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

4.5.Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айти вақтда ЎАНМ раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

4.6.ЎАНМ ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Комиссиянинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Директорнинг биринчи ўринбосари

 Isbaev R.A.